

Рамазон ва рўзага оид мавзулар нега ҳар йили баён қилинади?



14:07 / 23.03.2023 1366

Ҳакимул уммат, Мавлоно Ашраф Али Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейдилар:

«Эҳтимол, ўқувчиларга «одамлар рўзага тааллуқли жуда кўп мавзуларни эшитиб бўлган, шундай экан, бу масалаларни яна қайта баён қилишга нима ҳожат бор?» деган хаёл келар.

Азизлар! Сизлар ҳам бир ишни қайта-қайта қиласизлар-ку. Кечаси таом ейсиз. Эрталаб туриб яна ейсиз. Тушда, кечқурунда яна ейсиз. Шундай экан, нега энди ваъз-насиҳат қиладиган одам ҳақида бундай хаёл пайдо бўлади-да, ўзингизнинг кундалик ишларингиз борасида бундай ўйламайсиз. Агар сизда таом ейишга эҳтиёж бўлса, эҳтиёж бўлгандан кейин ейман-да, дейсиз. Нега нонни озуқа деб биласиз-у, лекин ваъз-насиҳатни озуқа деб билмайсиз.

Ваҳоланки, жисмнинг озуқаси бўлганидек, руҳнинг ҳам озуқаси бор. Жисмга ҳар доим янги озуқа зарур бўлганидек, руҳга ҳам доимий озуқа зарур. Балки энди ваъзни қайта-қайта айтишга эҳтиёж борлигини тушунган бўлсангиз керак. Чунки ваъз-насиҳатларнинг мақсади ҳам айнан таомники каби. Унинг фарқи шундаки, озуқа баданнинг қуввати бўлса, ваъз руҳнинг тиргагидир. Шундай экан, ваъз-насиҳатларнинг қайта-қайта

айтилиши асло фойдадан холи бўлмайди.